YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 5-sentabr, shanba

№109 (5329)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги янги Замонавий санъат марказига ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Италия бош вазири Жоржиа Мелонига мактуб йўллаб, уни Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимида шу вақтга қадар энг узоқ муддат фаолият юритган Ҳукумат раҳбари сифатида тарих саҳифаларидан муносиб жой олгани билан табриклади.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг XII Ёш парламент аъзолари бутунжаҳон конференцияси иштирокчиларига табрик йўллади.

***

«Урганч Аэровокзал – Хива – Урганч Аэровокзал» йўналишида янги замонавий тезюрар электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Бу эса Урганч аэропортидан Хивага ярим соатда етиб бориш имкониятини яратди.

Электропоезд 6 та вагондан иборат бўлиб, 415 нафар йўловчига мўлжалланган. Поезднинг максимал ҳаракат тезлиги соатига 160 километрни ташкил этади.

***

Наманганда Норин дарёси устида йирик кўприк қурилди. Узунлиги 481,5 метр бўлган янги кўприк Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманларини вилоят маркази билан боғлайди.

Лойиҳа доирасида 17,5 километр янги йўл ҳам барпо этилмоқда. Янги инфратузилма аҳоли ҳаракатини енгиллаштириши, ҳудуд иқтисодиётига туртки бериши ва асосий йўлдаги тирбандликларни камайтириши кутилмоқда.

***

Филадельфия шаҳрида АҚШ ва Канадада фаолият юритаётган ўзбек диаспораси ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларини бир майдонда жамлаган тарихий воқеа – миллатимиз диаспорасининг биринчи миллий қурултойи бўлиб ўтди.

«Vatan Global Alliance» жамияти мезбонлик қилган ушбу нуфузли анжуманда юртимизнинг Вашингтондаги элчихонаси ва Нью-Йоркдаги бош консулхонаси ходимлари, шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг турли ҳудудлари ҳамда Канададан келган ватандошлар иштирок этди.



ШОНЛИ ТАРИХ ВА БУЮК КЕЛАЖАК ҚАРШИСИДА

>>> 4

Ҳамкорлик

ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

Меҳнат муносабатлари тобора мураккаблашиб, меҳнат бозорида янги шакл ва ёндашувлар пайдо бўлаётган бир шароитда ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шундай жараёнларда эса касаба уюшмалари меҳнат жамоаси ва иш берувчи ўртасидаги ижтимоий шерикликни таъминловчи муҳим институт сифатида намоён бўлмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, касаба уюшмалари ходимлар манфаатлари юзасидан музокаралар олиб бориш, жамоа келишувлари ва шартномаларини тузишда иштирок этиш, меҳнат низоларида хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ваколатларга эга. Яъни касаба уюшмаси ишчининг муаммосини эшитадиган, ҳуқуқи бузилганда уни ҳимоя қиладиган ва ечим топишга кўмаклашадиган тузилмадир.

Меҳнат бозорида хусусий секторнинг улуши ортиб бораётгани касаба уюшмалари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Демак, тузилма йирик ишлаб чиқариш объектлари билан бир қаторда, хусусий корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва янги меҳнат шаклларида фаолият юритаётган ходимларни ҳам қамраб олиши муҳим. Чунки меҳнат ҳуқуқи инсон қаерда фаолият олиб боришидан қатъи назар, ҳамма учун бирдек аҳамиятли ҳисобланади.

Бу борада пойтахтимиздаги «Magnum Medikal Servis» МЧЖда йўлга қўйилган ҳамкорлик эътиборга лойиқ. Тиббий асбобускуналар ва соҳа учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш билан шуғулланувчи корхонада касаба уюшмаси билан ҳамкорлик 2014 йилдан буён давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда корхонада 40 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Касаба уюшмаси ва ташкилот раҳбарияти ўртасида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унинг асосий йўналишлари – муносиб шарт-шароитлар яратиш, қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш, ишчиларнинг дам олиши ва ижтимоий қўллаб-қувватланишига эътибор қаратишдан иборат.

Касаба уюшмаси ходимларнинг таклиф ва мурожаатларини ўрганиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоада ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 2014 йилдан буён давом этиб келаётган ҳамкорликнинг ўзиёқ бу масалаларга тизимли ёндашув шаклланганини кўрсатади.

Тузилманинг аҳамияти, аввало, ходим ва иш берувчи ўртасида ишончли мулоқотни таъминлашда намоён бўлади. Зеро, соғлом меҳнат муҳити фақат иш ҳақи ёки меҳнат вазифаларининг бажарилиши билан белгиланмайди. Ходим ўз ҳуқуқлари ҳимоя-ланганини, унинг фикри эшитилишини, муаммоси эътиборсиз қолмаслигини ҳис қилгандагина жамоада ишонч ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

Бундай ҳамкорликни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши мисолида ҳам кўриш мумкин. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ўртасида кўп йиллар давомида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2015 йилдан буён Кенгаш тизимида касаба уюшмаси фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда Кенгашда фаолият юритаётган барча ходимлар касаба уюшмаси аъзоси ҳисобланади. Уларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоада соғлом меҳнат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Касаба уюшмасининг яна бир муҳим вазифаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги масофани қисқартиришдир. Чунки муаммонинг катта низога айланишини кутмасдан, уни мулоқот ва келишув орқали ҳал этиш ижтимоий шерикликнинг муҳим кўриниши ҳисобланади.

Шу маънода, касаба уюшмаси аъзоси бўлишнинг энг муҳим жиҳати ходим ўз манфаатларини ҳимоя қилишда ёлғиз қолмаслигидир. «Magnum Medikal Servis» МЧЖдаги ходимларни бирлаштирган тузилма фаолияти ва ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгашидаги аъзолар билан олиб борилаётган ишлар бунинг амалий мисолидир.

Энг муҳими, касаба уюшмаси фаолиятининг марказида инсон, унинг меҳнати ва қадр-қиммати туриши керак. Зеро, ходим қадрланган, ҳуқуқи ҳимояланган ва фикри эшитилган жойда соғлом меҳнат муҳити шаклланади. Соғлом жамоа эса тараққиётнинг муҳим пойдеворидир. Шу боис келгусида ҳам касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолади. Чунки меҳнат муносабатларида адолат бор жойда ишонч, ишонч бор жойда эса барқарорлик бўлади.

Отабек ЖИЯНБОЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Иш ҳақи бир ойда неча марта тўланиши керак?

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Етим болаларга уй-жой ижараси учун тўловлар қоплаб берилади

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Шукуҳ



БАРЧА УЧУН ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева раҳбарлигида бир гуруҳ ходимлар Урганч шаҳридаги 7-мактабга 100 та китоб кўтариб кириб борганида жамоа аъзолари ниҳоятда мамнун бўлишди.

Жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир дурдоналаридан иборат ушбу асарлар ўқув даргоҳи кутубхонасига муносиб туҳфа бўлди. «Бу китобларни ўқитувчилар ҳам, ўқувчиларимиз ҳам севиб мутолаа қилади», дея мактаб директори Дилдора Ниёзметова ўз миннатдорлигини билдирди.

Кенгаш раиси мактабда касаба уюшма аъзолари учун яратилган шароитлар, ўқувчилар учун мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишди. 61 нафар ходим меҳнат қиладиган билим масканида иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида жамоа шартномаси ижроси таъминланяпти. Касаба уюшмаси аъзолари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, «Маърифат соат»лари мунтазам ўтказилади. Яқинда кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилаётган устозлардан 4 нафари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 3 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимнинг фарзандларига ўқув қуроллари, 3 нафарига ун ва ёғ маҳсулотлари ва 2 нафарига моддий ёрдам пуллари берилди. Спорт тадбирлари, айниқса, аёллар ўртасида волейбол, шашка ва шахмат бўйича мусобақалар тез-тез ташкил этилади.

Касаба уюшмалари томонидан ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда таълим муассасаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби маънавий-маърифий тадбирлар давом эттирилмоқда.

Сафаргул БЕРДИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

Сўранг, жавоб берамиз...

БИЗГА ИМТИЁЗ БОРЛИГИ РОСТМИ?

САВОЛ: Пенсионерман. Эшитишимча, ер ва уй-жой солиқлари бўйича айрим имтиёзлардан фойдаланишим мумкин экан. Аммо унинг тартибларини билмайман. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Умида АБДИЕВА
Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликда пенсионер учун ер солиғи бўйича ҳеч қандай имтиёз мавжуд эмас. У белгиланган тартибда тўланади. Мулк (уй-жой) солиғи бўйича эса 60 квадрат метргача имтиёз қўлланилиши мумкин. Масалан, агар кўп қаватли уйдаги хонадон пенсионер номида бўлиб, унинг умумий майдони 60 квадрат метргача бўлса, ушбу майдон учун мулк солиғи тўланмайди, сабаби айнан 60 квадрат метр доирасида солиқ имтиёзи қўлланилади.

Агар хонадоннинг майдони 60 квадрат метрдан ошса, имтиёз фақат 60 квадрат метр майдонга татбиқ этилади, қолган майдон учун эса мулк солиғи ҳисобланади.

Агар сизга ҳисобланган солиқларда имтиёз қўлланилмаган бўлса, пенсия гувоҳномасини солиқ органига тақдим этишингиз лозим. Маълумотлар базага киритилгач, имтиёзлар автоматик тарзда қўлланилади. Борди-ю солиқ олдиндан тўланган бўлса, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

Шунингдек, агар фуқаро йилнинг ўртасида пенсияга чиққан бўлса, имтиёз айнан пенсия расмийлаштирилган ойдан бошлаб қўлланилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

www.ishonch.uz ishonch1991@yandex.uz facebook.com/ishonchofficial.uz https://t.me/ishonchuz_official

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олғай ишини киши.
Алишер Навоий

Таҳлил

ХОДИМ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА УНУМ ВА БАРАКА БЎЛАДИ



Сайёра ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси

Бирон-бир ташкилотда фаолият юритаётган ходим фақат оиласи фаровонлигини таъминлабгина қолмай, жамият ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Шу боис меҳнат муносабатлари марказида аввало, инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари, оиласи ҳамда келажакка бўлган ишончи туриши керак.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 17 октябрда касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказган учрашувида мутасаддиларга ташкилотнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, ходимлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим топшириқлар берган эди. Уларнинг ижроси ўлароқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ҳам маҳаллий ҳокимликлар, бошқарма ва идоралар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, меҳнат муносабатларида қонун устуворлигини таъминлашда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўз ҳуқуқини яхши билган хизматчи ҳар қандай вазиятда ҳақини талаб қила олади. Ўз мажбурияти ва масъулиятини англаган иш берувчи эса қонун ва адолат тамойиллари асосида иш юритади. Шу маънода, касаба уюшмалари масъуллари иштирокида ҳуқуқий тарғибот ва ўқитиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ҳудуддаги ташкилот ва муассасаларда 800 дан зиёд ўқув машғулотлари ҳамда 1200 дан ортиқ семинарлар ўтказилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бири жамоа шартномаларидир. Бу борада 2026-2028 йилларга мўлжалланган ҳудудий жамоа келишувининг имзоланиши ижтимоий шерикликни янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда мавжуд 44 та тармоқ келишувига мувофиқ, 5800 дан зиёд жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди. Бу эса жамоа шартномаси фақат расмий ҳужжат эмас, балки ходимнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини амалда таъминлашга хизмат қиладиган муҳим механизм эканини кўрсатади. Шунингдек, вилоятдаги қарийб 6,5 минг ташкилотда меҳнат қилаётган 490 мингдан зиёд ходим жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди.

Жамоа шартномалари доирасида мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, нафақа ёшига етган ва ногиронлиги бор оила вакилларига 270 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, ходим манфаати унинг муносиб дам олиши ва саломатлигини тиклаши билан ҳам белгиланади. Шу мақсадда қарийб 12 минг нафар ишчи-ходим, жумладан 3500 дан зиёд ёшлар «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» шиори остида мамлакатимизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатга юборилди. Бунинг учун 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, 2400 нафардан ортиқ меҳнаткаш 14 миллиард сўмлик имтиёзли йўлланмалар асосида санаторийларда соғлиғини тиклади.

Эришилган натижалар билан бир қаторда, жиддий хулоса чиқаришимиз лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Таҳлилларга кўра, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқариш корхоналарида 58 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Оқибатда 60 нафар ишчи-ходим жабрланган, 27 нафари ҳаётдан кўз юмган ҳамда 32 нафари оғир тан жароҳати олган.

Албатта, келтирилган ҳар бир рақам ортида инсон ҳаёти, оила тақдири, фарзандлар келажаги турибди. Шундай экан, иш жойларида «Аввало, хавфсизлик» тамойили устувор бўлиши зарур. Айниқса, хавфли ишлаб чиқариш корхоналарида ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни мунтазам янгилаб бориш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир.

Ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2026 йил бошидан буён касаба уюшмаларига 70 га яқин мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 33 таси ижобий ҳал этилди. 48 нафар фуқаронинг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг кечиктирилгани ҳамда маънавий зарар учун 24 миллион сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида 400 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат шароитлари ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Хотин-қизлар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳам муҳим йўналишлардан бири. Жамоалардаги икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши таътилида бўлган 400 нафарга яқин ёш онага 87 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали 270 нафарга яқин аёл учун ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган тартиб белгиланди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни муносиб иш ўринларига жойлаштириш ва касб-ҳунарга йўналтириш хусусида белгиланган вазифалар ижроси ўлароқ вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган ярмаркаларда мингдан ортиқ ўғил-қизлар доимий ишга жойлаштирилди. 1300 нафари қайта ўқитиш курсларига юборилди.

Мухтасар айтганда, меҳнат соҳасида инсон манфаатларини таъминлаш доимий эътибор ва масъулиятни талаб қиладиган жараён. Шу боис ҳар қандай ҳолатда ишчи-ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб шарт-шароитлар яратиш доимий ва энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. Зеро, меҳнаткашларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик оила фаровонлиги ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Фаолият

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассислари ўтган олти ойда меҳнат муҳофазаси борасида ўтказилган ўрганишларни таҳлил қилди. Жорий йилнинг дастлабки ярим йилида меҳнат техник инспектори томонидан еттита бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, иш жойларида саксон битта муаммо аниқланган ва уларнинг барчаси тезкорлик билан бартараф этилган. Аммо атиги еттита ташкилотнинг ўзида шунча камчилик аниқлангани қолган минглаб корхоналарда аҳвол қандай эканлиги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилади.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДАГИ ОҒРИҚЛИ ЖИҲАТЛАР НИМАДА?

Ўрганишларда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини жонлантириш юзасидан йигирмата касаба уюшмаси ва хўжалик органига бевосита амалий ёрдам кўрсатилиб, иш берувчиларга ўн иккита ёзма кўрсатма киритилди. Янги ташкил этилган ўттиз олтита корхона ва ташкилот иш берувчилари билан мулоқотлар ўтказилди. Аммо уларнинг атиги тўрттасидагина касаба уюшмаси таъсис этилгани ачинарли. Янги очилаётган ташкилот ва корхоналарда ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси оқсаётгани, иш берувчилар бунга панжа ортидан қараётгани маълум бўлди.

Рақамлар ортидаги энг аччиқ ва оғир ҳақиқат эса вилоят корхоналарида содир бўлган еттита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисадир. Тўрт нафар ходим вафот этгани ва беш нафар ходимнинг оғир тан жароҳати олгани оддий рақам эмас. Бу тўртта оиланинг боқувчисидан айрилганини, фарзандларнинг етим қолганини ва жамият катта йўқотишга учрагани англатади.

Бунга нималар сабаб бўлди? Саволларга жавоб излар эканмиз, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларида хавфсизлик қоидаларига беписанд қараш, технологик интизомнинг сусткашлиги, иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳаётини хавф остига қўювчи эскирган ускуналар ва шароитлардан фойдаланишда давом этилаётганини кўрдик.

Кўпгина ҳолатларда ишчиларнинг ўзлари ҳам шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишда лоқайдликка йўл қўймоқда, бироқ бунинг асосий илдизи раҳбарият томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлар ва қўлланмаларнинг қоғоздагина ўтказилиб, амалда бажарилмаётганидир. Айниқса, қурилиш ва саноат соҳаларида шошқалоқлик, меҳнат жараёнини назорат қилувчи масъулларнинг эътиборсизлиги оқибатида инсонлар ўз соғлиғи ва ҳаётини йўқотмоқда.

Келгусида бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун барча корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича қатъий жамоатчилик назоратини ўрнатиш, иш жойларидаги хавф-хатарларни олдиндан баҳолаш тизимини яратиш, ходимларнинг ҳуқуқий ва хавфсизлик саводхонлигини ошириш, қоидаларни бузган иш берувчиларга кескин жазо чораларини қўллаш шарт. Вилоятдаги корхона ва муассасаларда саккиз маротаба оммавий ўқув семинарлари ташкил этилгани, уларда бир минг икки юз қирқ беш нафар ходимнинг иштироки таъминлангани таҳсинга лойиқ. Аммо бундай ўқувларни йилда бир неча бор эмас, ҳар бир иш куни бошланишидан олдин амалий тарзда мунтазам ўтказиш зарур.

Инсон қадрини улуғлаш чиройли шиорлар билан эмас, ишчиларнинг меҳнати адолатли қадрланиши, ҳаёти ва соғлиғи зарар кўрганда, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишида ҳам намоён бўлади. Ҳисобот даврида фуқаролардан келиб тушган еттита ёзма ва саккизта оғзаки мурожаат қонун доирасида ўрганилди. Жумладан, киритилган кўрсатмаларга мувофиқ уч нафар фуқарога иш берувчилардан қарийб икки юз миллион сўм маблағ ундириб берилди. Судларга даъво аризалари киритилиб, бир нафар фуқарога олтмиш бир миллион сўмдан ортиқ, яна икки нафар фуқарога икки юз олтмиш миллион сўмдан зиёд, зарар тўловлари ундирилди. Бундан ташқари оғзаки мурожаат қилган саккиз нафар фуқарога ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Пуллар ва компенсациялар фақатгина муаммо юзага келиб, судга борилгандан кейингина ундирилаётгани ташвишли. Чунки бу корхоналарда иш берувчилар ходимлари олдидаги масъулиятни ўз вақтида англамаётганини, ихтиёрий равишда зарарни қоплаш маданияти тўлиқ шаклланмаганини кўрсатади. Келгусида бундай низоларнинг олдини олиш учун иш берувчилар жавобгарлигини янада кучайтириш, ҳар бир ходимни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тизимини такомиллаштириш ва иш жойларидаги хавфларни камайтиришга қаратилган инвестицияларни кўпайтириш зарур.

Ҳайитбек БАРНОЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Акция

Мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами кенг нишонланаётган шукуҳли кунларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан «Байрамга энг эзгу тилагимиз – сизнинг соғлиғингиз!» шиори остида кенг кўламли хайрия ва тиббий-ижтимоий акция ўтказилди.

ШИФОКОРЛАР ХОНАДОНЛАРДА

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда хусусий тиббиёт клиникалари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирлар доирасида вилоятнинг энг олис ва чекка туман ҳамда маҳаллаларига тажрибали мутахассислар гуруҳи сафарбар этилди. Давлат ва хусусий тиббиёт сектори ўртасидаги бундай ҳамкорлик аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Акцияга хусусий тиббиёт марказларининг энг малакали кардиолог, невролог, эндокринолог, офталмолог, терапевт ва педиатр каби етакчи мутахассислари жалб этилди. Туманлардаги МФЙ бинолари ҳамда тиббиёт масканларида ўрнатилган замонавий диагностика ускуналари ёрдамида чуқурлаштирилган кўриклар ташкил қилинди. УЗИ, ЭКГ ҳамда энг зарур лаборатория таҳлиллари тўлиқлигича бепул амалга оширилди.

Тиббий кўриклар биринчи навбатда табаррук нуронийлар, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»даги оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, опа-сингилларимиз ҳамда вояга етмаган болажонларни қамраб олди. Ҳар бир фуқаронинг шикоятлари диққат билан тингланиб, зарур тавсиялар, профилактик маслаҳатлар берилди ҳамда бепул дори-дармонлар ажратилди. Бу эса аҳолининг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини ошириш билан бирга, касалликларни барвақт аниқлаш имконини берди.

Шифокорлар ва касаба уюшмаси вакиллари фақатгина тиббиёт масканларидаги кўриклар билан чекланиб қолмадилар. Соғлиғи туфайли ҳаракатланиши чекланган, ётиб қолган ва тиббий муассасага мустақил равишда кела олмайдиган беморлар хонадонларига ҳам кириб боришиб, уларнинг саломатлигини чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказишди, зарур таҳлил ва диагностика жараёнларини жойида бажардилар. Шу билан бирга, беморларга байрам совғалари топширилди. Шифокорларнинг самимий сўзи, илиқ муносабати ва кўрсатган эътибори хаста дилларга тасалли ва умид бағишлади.

Акбар МИРЗАХОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси

Тадбир

500 НАФАР АЪЗО УЧУН ТЕАТРГА БЕПУЛ ЧИПТА



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши томонидан «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» деган бош ғоя асосида кенг кўламли ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Тадбирлар доирасида 500 нафар касаба уюшмаси аъзоси учун Хоразм вилояти мусиқали драма театридаги спектаклни бепул томоша қилиш имконияти яратилди.

Эътиборлиси, театр томошасига таклиф қилинганларнинг 100 нафари вилоят Ободонлаштириш бошқармаси тизимида фаолият юритаётган ишчи-ходимлардир. Меҳнати билан шаҳар ва туманларимиз кўчалари, хиёбон ва жамоат жойларининг ободлиги, тозалиги ва кўркамлигини таъминлашга ҳисса қўшаётган ушбу фидойи инсонлар ҳамиша қадрли.

Спектакль томошасидан сўнг маънавий тадбир уюштирилиб, иштирокчиларга касаба уюшмалари томонидан эсдалик совғалари тарқатилди.

Беҳзод РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши бўлим бошлиғи

ЭЗГУ ТАШАББУС

Эътибор

Таълим соҳасида меҳнат қилаётган Саидахон Турғунова касаба уюшмалари эътиборидан мамнун – фарзандига ўқув қуроллари туҳфа қилинди.

Янги ўқув йили арафасида ҳар бир ота-она боласи мактабга бекаму кўст боришини хоҳлайди. Айниқса, бу жараёнда кўп фарзандли ва эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш муҳим омил саналади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учкўприк тумани кенгаши томонидан тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг 200 нафар дилбандига ўқув қуроллари топширилди.

– Касаба уюшмаларининг бу эзгу ташаббусидан жуда хурсанд бўлдик, – дейди Саидахон Турғунова.

Ойбекжон МАВЛОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Учкўприк тумани кенгаши раиси



Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.
Абу Али ибн Сино

Мавзуга қайтиб...

Адлия ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари диққатига!

«МЧС» НОМИНИ СОТАЁТГАН МЧЖЛАР

ёхуд қонунларимиз айрим тадбиркорларнинг шундай тирикчилик қилишларига йўл беряптими?

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР УЙМА-УЙ ЮРИБ, АҲОЛИДАН ЎЗЛАРИНИНГ ЧЎНТАГИ УЧУН «СОЛИҚ» УНДИРИШЛАРИ МУМКИНМИ? БУНДАН ЕТТИ ЙИЛ АВВАЛ – «ISHONCH» ГАЗЕТАСИНИНГ 2019 ЙИЛ 13 ИЮНДАГИ СОНИДА «ФАВҚУЛОДДА ТЎЛОВ... ҲАҚИҚИЙМИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ОРҚАЛИ ШУ САВОЛГА ЖАВОБ ИЗЛАШ АСНОСИДА ЖИДДИЙ БИР МУАММО ҲАМДА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИГА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ РУХСАТИ ИМКОН БЕРАЁТГАНИ ХУСУСИДАГИ МУНОЗАРАЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАНДИ.

«ФАВҚУЛОДДА» ТЎЛОВ... ҲАҚИҚИЙМИ?

ёки «МЧС»ни паноҳ қилаётган МЧЖларнинг мақсади фақат пул йиғишми?



Йиғитнинг ўзини тутишини, боз устига, эгнидаги оқлари тўкилмаган либоси ёпиштирилган вакилами тамға (ташкилот рамзи)ни кўриб унча-мунча содда одам довдираб қолиши турган гап. Мен ҳам Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таъминида ўтказилади, бўлиб, бехабар ташлибмиз, шекилли, деган хаёлга бордим. Яхши эканини билиш учун «бу вилоят қаноп жорий келинди? Нима учун пул йиғилмоқда?» деб савол тутишга тушдим.

– МЧС» ксшида «Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бўлиши» ташкилоти фаолиятини ўрганиш олиш ва бўлиши» ташкилоти фаолиятини ўрганиш мақсадида ташкилот бор, – деб изоҳ берди Шарифр Ботиров. – Биз ҳозир кўрсатмаймиз. Хозиги кўрсатадиган ташкилотлар бошқа – мўриқон тозалайдиган ташкилотлар. Ҳозир

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.
Абу Райҳон Беруний

Таассурот

ШОНЛИ ТАРИХ ВА БУЮК КЕЛАЖАК ҚАРШИСИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда қурилиши бошланган ва қарийб 9 йил давомида бунёд этилган муҳташам маскан – Ислом цивилизацияси маркази мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи, маҳобатли бугуни ва Янги Ўзбекистон келажагининг ёрқин кўзгуси сифатида қад ростлаган.





Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Жорий йилнинг 17 март куни расман очилганидан буён бу даргоҳдан юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг қадами узилгани йўқ. Мутасаддиларнинг айтишича, шу йилнинг июнь ойи охири ҳолатига марказга жами ярим миллион нафар саёҳатчилар келишган. Ҳозирда эса бир кунда камида 3 минг нафар меҳмон келмоқда. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси ҳам ана шу муаззам масканни зиёрат қилди.

Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида, 10 гектар майдонда қад ростлаган Ислом цивилизацияси маркази биноси уч қаватдан иборат. Унинг узунлиги 161, эни 118 метр. Баландлиги 65 метрлик улкан гумбази эса Тошкент манзарасига ўзига хос кўрк бағишлаб турибди. Умумий фойдаланиш майдони 42 минг квадрат метрдан зиёд. Бир қарашдаёқ бинонинг маҳобати кишини ҳайратга солади. Аммо марказнинг ҳақиқий қиммати фақат ташқи кўринишидагина эмас. Балки унинг ичида халқимизнинг уч минг йиллик ўтмиши, илм-фани, маданияти ва маънавий мероси бир бутун тарихий ҳикоя тарзида намоён этилганидадир.

Марказ экспозицияларида Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихининг турли босқичлари кенг ёритилган. Бу ерда исломгача бўлган давр маданияти, IX–XIII асрлардаги илмий ва маърифий юксалиш, Темурийлар даври ва ундан кейинги замонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётига бағишланган экспозициялар ўрин олган. Марказда қадимий қўлёзмалар, тошбосма асарлар, тарихий артефактлар ва халқимизнинг илмий-маънавий меросини акс эттирувчи кўплаб экспонатлар жамланган. Бизни музей билан таништирган Жасур Ҳайдаралиевнинг таъкидлашича, марказнинг яна бир муҳим қисми кутубхона. Унда 2500 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма асарлар, қарийб 40 мингта босма нашр ҳамда 350 мингдан зиёд электрон материаллар жамланган.

Айниқса, Қуръон зали ҳамкасбларимизда катта таассурот қолдирди. У ерга ислом оламининг энг нодир ва муқаддас ёдгорликларидан бири бўлган Усмон Мусҳафи жойлаштирилган.

Экспозициялар орқали Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам янада бой тасаввурга эга бўлдик. Бу ерда Беруний, Улуғбек, Ибн Сино, Бобур, Навоий ва бошқа улуғ олим ва шоирларимиз қаламига мансуб ноёб асарларнинг асл ва кўчирилган нусхаларини кўриш мумкин. Энг муҳими, марказда тарих фақат саналар эмас, балки замонавий технологиялар, визуал экспозициялар ҳамда интерактив ечимлар орқали тушунарли ва таъсирчан тарзда тақдим этилгани диққатга сазовор.

Саёҳат давомида ҳамкасбларимиз марказдаги экспозицияларни катта қизиқиш билан томоша қилишди. Бир томонда Темурий маликалар сиймолари олдида қолиб, уларнинг фарзанд тарбияси борасидаги ёндашувларини муҳокама қилган опа-сингилларимиз, иккинчи томонда эса Қуръони Карим нусхалари ҳуснихатларининг ўзига хослигини ўрганган йигитлар, ноёб китобларнинг қаердан келтирилгани билан қизиққан устоз ҳамкасблар – ҳамма-ҳаммалари бугун узоқ ва олис тарихимизга бориб келишди гўё. Улар сафида бўлиб, таассуротларини биз билан бўлишган Комила Боймуродова шундай дейди:


– Марказ менда жуда катта таассурот қолдирди. Гўё тарихнинг ичига тушиб қолгандек бўлдим. Китобларда ўқиган аждодларимиз, уларнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини бу ерда кўз билан кўриш, замонавий технология асосида батафсил танишиш қизиқарли кечди. Марказнинг муҳташам ва замонавийлиги ҳам жуда ёқди. Ёшлар албатта бу ерга келиши, тарихимизни яқиндан билиши керак, деган хулосага келдим. Насиб бўлса, ўғлим билан ҳам яна келмоқчиман.

– Менга энг кучли таъсир қилган жиҳати, тарихимизнинг нақадар бой ва кенг қамровли эканини яна бир бор ҳис қилганим бўлди, – дейди ҳамкасбимиз Миршомил Курамбаев. – Кўпинча аждодларимизнинг буюклигини умумий тарзда бир оғиз сўз билан айтиб кетаверамиз. Лекин бу ерда уларнинг илм-фанга, маданиятга, маърифатга қўшган ҳиссаси аниқ далиллар ва ноёб экспонатлар билан кўрсатилибди. Бу ҳар қандай инсонда «Шундай буюк аждодларнинг авлоди эканмиз», деган фахрни уйғотади.

Дарҳақиқат, саёҳат давомида ҳамкасбларимиз марказнинг ҳар бир зали, ҳар бир экспонати билан қизиқиб танишишди. Кимдир қадимий қўлёзмаларга, яна кимдир меъморий ечимларга, бошқалар эса буюк аждодларимизнинг илмий меросига кўпроқ эътиборини қаратди. Марказий Осиёда ислом тарихи ва цивилизациясига бундай кенг қамровда ёндашган, тарих, илм-фан, маънавият ва замонавий технологияларни бир маконда уйғунлаштирган мажмуа ҳақида, албатта, «бетакрор» деган таърифни ишлатгингиз келади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



ishonch.uz да Ислом цивилизацияси марказидан фоторепортаж.

Ички туризм

Тошкент вилоятидаги 50 нафар ўқитувчи ҳамда “Йил тарбиячиси” танловининг ҳудудий босқичи иштирокчилари учун қадимий Хива ҳамда Урганч шаҳарларига уч кунлик саёҳат ташкил этилди.

ХОРАЗМДАН ГЎЗАЛ ХОТИРА БИЛАН

Хиванинг бетакрор қиёфаси, Ичан қалъанинг муҳташам деворлари, Кўҳна Арқ, Тошҳовли саройи, Жума масжиди, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Исломхўжа минораси каби тарихий ёдгорликлар асрлар оша сақланиб келаётган бой мероснинг ёрқин намуналари сифатида иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган мазкур саёҳат иштирокчилар учун нафақат ҳордиқ чиқариш, балки янги куч ва илҳом манбаи бўлди. Улар сафар асноси вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги таълим масканларида меҳнат қилаётган педагоглар билан тажриба алмашди.

Равшаной ГАЗИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилоятидаги масъул ташкилотчиси

Китобингизни ўқидим

ЕТМИШ ЙИЛ САДОСИ

Жонкуяр шоира, публицист, устоз журналист Амина Қодированинг «Етмиш йил дафтари» китобини ўқир экансиз, тафаккур қамровининг кенглиги, фалсафий мушоҳаданинг теранлиги, мазмун-моҳиятнинг ёрқинлиги кишини беихтиёр ўйлашга, фикр юритишга чорлайди. Ижодкорнинг руҳий олами нурга, ҳақиқатга таяниб, ўқувчи қалбига шода-шода ёғдулар, ойдинликларни туҳфа этади. Китобнинг муқовасидаёқ ўқувчи қалбига ойдинлик, шуъла тушиб, кўнгил гўё нурларга чайилади.



Китобдан жой олган бир-биридан жозибали, мазмунли шеърий сатрлар қалб кечинмаларининг бадиий ифодаси бўлиб, унда аёл қалби, Ватан меҳри, оналик саодати, истиқлол орзуси, озодлик шукуҳи, шунингдек, муҳаббат, айрилиқ, армон, садоқат, ҳаётга меҳр каби туйғулар бири-иккинчиси билан уйғунлашиб кетган. Шоиранинг шеърларини шунчаки ўқимайсиз: маънавий оламингиз бойиб бориш баробарида, қандайдир зиё қалбингизга сурур бағишлаб, тўлқинлантиради, руҳингизни юксалтиради.

Шоиранинг кўплаб шеърлари инсонни қадрлашга, муҳаббату садоқатга, эзгулик ва ҳаётни севишга ундайди. У учун инсоннинг ҳақиқий бойлиги мол-дунё эмас, балки қалбидаги нур, маънавиятидир. Қалб қанчалик нурли бўлса, шеър шунчалик шуъладор, мавжли, самимий бўлади. «Бухоро» шеъри шундай нурли сатрлар билан бошланади:

«Онам ёдга келгани ҳамон,
Кўз ўнгимга келар Бухоро.
Нур ичида яшайман шу он,
Нур ичирар менга Бухоро».

Китобнинг илк саҳифаларидан жой олган «Сўзбоши» муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев алоҳида таъкидлаб ўтганидек: «Бухоро нурини ичиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бухоро нурини ичиш пок, тоза, ҳалол, иймонли юракларга насиб этади».

Шоира қаламига мансуб тўртликлар, учликлар ва «Бобурона» аталмиш туркум шеърий сатрларида ҳам ҳаёт ҳақиқатлари яхлит бир мазмун-моҳият касб этиб, ҳикмат дурдоналари мисол ўқувчини ҳайратга солиб, ўйлантиради, фикрлашга ундайди:

«Севганим – бинафша,
кўнглим – баҳор.
Тошлар остида ҳам умид бор.
Умидни ўлдирма, эртага
қалдирғоч келади».

«Севинч» аталмиш учликда эса шоира шундай дейди:

«Кўз ёшим шунчалик шўрки,
Севинчдан йиғласам ҳам
Ширин бўлмайди».

Ушбу учликлар бадиий ёрқинлиги, фикрий тиниқлиги, тафаккур туғёнлари, теран мантиқий фикрлари билан ёдда қолади.

Амина Қодирова миллий журналистикамизда ҳам ўз ўрни ва сўзига эга ижодкор. Китобдан унинг Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева билан мулоқоти, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан туркум суҳбатлари ҳам ўрин олган. Қувончли томони шундаки, ушбу суҳбатлар «Ishonch» газетасида турли йилларда чоп этилгани билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ҳалима Худойбердиеванинг ҳаёт йўли, она Ватанга, ижодга муносабати ва адабиётга бўлган садоқати ёритилган мулоқот шоиранинг 70 ёши муносабати билан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлангани ҳақидаги самимий табрикдан бошланади. Шоиранинг ижоддан ҳеч қачон узилмагани, ҳаётида турли қийинчиликлар бўлишига қарамай, қаламини қўлдан қўймагани алоҳида таъкидланади. «Қаламимнинг сиёҳи тугаса, қаламни қонимга ботириб бўлса-да шеър ёзавердим», деган фикр унинг адабиётга қанчалик фидойи эканини яққол кўрсатади. Бу ўринда қалам ижодкорнинг ҳаёти, қалби ва эътиқоди рамзи сифатида намоён бўлади.

Суҳбатда халқ меҳри ва ижодкорларга бўлган давлат миқёсидаги эътибор ва эъзоз муҳим ўрин эгаллайди. Шоира юртдаги ўзгаришлар, адабиётга ва ижод аҳлига кўрсатилаётган эҳтиромдан руҳланганини билдириб, келажакка ишонч билан қарайди. Сарлавҳадаги «Байроқдай ҳилпирар вақт» ибораси ана шу янгиланиш, умид ва эзгу ўзгаришлар рамзидир.

Иброҳим Ҳаққул билан туркум суҳбатларда эса ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб, файласуф шоир ва аллома Ойбекнинг ижодий салоҳияти, юксак фазилатлари, адабиёт олдидаги масъулияти ёрқин бўёқларда таъсирчан ёритилган. Муаллиф уни ўз даврининг мураккаб шароитларида ҳам ижодий руҳини сақлаб қолган, халқ тарихи ва миллий маънавиятга чуқур эҳтиром билан ёндашган буюк ижодкор сифатида тасвирлайди. Шунингдек, инсон юксакликка эришиш учун мустаҳкам маънавий илдизларга эга бўлиши кераклиги эътироф этилади. Ёзувчининг нафақат улуғ ижодкорлиги, балки боладай соф, беғубор, самимияти, адабиёт ривожи йўлидаги матонатли ва халқ тақдири, маънавияти ва маърифатининг буюк тарғиботчилик фаолияти ва бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлари очиб берилган.

Бахт ташқаридан берилмайди, у қалбда яратилади. Агар қалбда меҳр, муҳаббат, эзгулик ва умид бўлса, ҳаётнинг энг оғир кунларида ҳам инсон бахтни йўқотмайди. Бу жиҳатни теран англаган Амина Қодированинг ижодида муҳаббат – туйғу, айрилиқ – синов, вақт – сабоқ, одамийлик ҳаётнинг энг олий мезони сифатида намоён бўлади. Зеро, инсонга иккинчи ҳаёт бахш этадиган нарса, ортидан қоладиган яхши сўз, эзгу ишлар ва шогирду фарзандлари мисолидаги нурли изларидир.

Хулоса қилиб айтганда, ижодкорнинг халқона содда ва жайдари фикрлари қалбга гавҳардай ўрнашиб, уни жилолантиради, кўнгилда ажиб туйғулар мавжини уйғотадики, бундан китобхон ўзини, ўзлигини, аслиятини, яшашдан, дунёга келгандан муроди нима эканини англаб, теран ўйга толади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



Эълон

«ANDIJONKABEL» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Andijonkabel» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2026 йил 25 июндаги умумий йиғилиши ҳамда Жамият таъсисчилари умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 2026 йил 2 сентябрдаги қарорларига асосан Жамият масъулияти чекланган жамият шаклида қайта ташкил этилмоқда.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*
Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulruxbegim ODASHBOYEVA
Musahhih: Dilorom XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 21:00
Topshirildi – 21:30
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko‘rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 та
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-911
123456